

Сулала давомчиси Ҳомидхон махдум



16:00 / 24.01.2022 3045

Ҳомидхон махдум (Эшон дада) мулла Абдулғофур (Ғофур қори) махдум ўғли 1893 йил Наманган шаҳри, Сардоба даҳаси, Заркент маҳалласи (ҳозирги Аҳси кўчаси)да зиёли хонадонда дунёга келди.

Ҳомидхон махдумнинг отаси Абдулғофур (Ғофур қори) махдум, бобоси Абдужалил охунд, катта бобоси Соҳибжон охундлар, яъни тўрт авлод, ўз даврининг машҳур устазода, ҳофизи Қуръонлар сулоласи вакиллари бўлган. Юртимиздаги кўплаб аҳли уламолар ва ҳофизи Қуръонлар буларнинг даргоҳларида таҳсил олишган.

Ҳомидхон махдум дастлабки билимни отаси Ғофур қорида таълим олади. У болалигидан ўткир зеҳнли, илм-фаросатли ва тиришқоқ бола бўлган. Ундаги бу салоҳиятни кўрган ота-онаси, фарзандининг таълимига ва одоб-ахлоқига эътибор қаратган.

Ҳомидхон махдум 13 ёшида ҳофизи Қуръон бўлиб етишади ва масжидда имомликка ўта бошлайди. Кейинчалик, Абул Маъоний тахаллуси билан машҳур бўлган Собитхон тўрада тафсир, ҳадис, фикҳ ва ақоид каби бошқа илмлардан таълим олади. Ҳомидхон махдум эл-юрт орасида «Эшон дада» исми билан танилган. Ҳомидхон махдумнинг Қуръон ўқитадиган қорихонаси (мактаби) бўлган. Бу даргоҳдан нафақат Намангандан балки, бутун Фарғона водийси ҳудудларидан бўлажак ҳофизу Қуръонлар келиб, таълим олишган.

Шўролар даврида Ҳомидхон махдум оиласи ҳам тазйиққа учрайди. Натижада, юртни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. 1931 йили Ҳомидхон махдум шўролар жабр-зулмидан жонини сақлаш мақсадида, Қошғарга кўчиб кетади. У маълум муддат Қошғарда яшаб, фаолият юритади.

Ҳомидхон махдум 1931 йили Қошғарга кетаётганида чегарада бир воқеа содир бўлган экан. Махдум Ўзбекистон чегарасидан Қошғар ҳудудига ўтаётганида, чегарачи аскарлар у кишини тўхтатиб, кимлигини ва қаерга кетаётганини сўрабди. Шунда у зот ўзларини таништириб, Қошғарга кўчиб кетаётганлигини айтибди. Шу пайт аскарлар шубҳаланиб, текширишибди. Ёнларидан фақатгина биргина Қуръони Карим чиқибди. Ушбу воқеа устидан рус миллатига мансуб чегара бошлиғи командири келиб қолибди. Рус командири Ҳомидхон махдумни алоҳида бир хонага олиб кириб, шундай дебди: «Мен Қуръони Каримни тинглашни ёқтираман. Шу сабабдан менга бўш вақтимда Қуръони Каримдан ўқиб бериб туришингни сўрайман», дебди. Ҳомидхон махдум «хўп» деб жавоб берибдилар. Сўнгра Қуръони Каримни тартил ва тажвид қоидалари билан 2 кун ўқиб берибдилар. Шундан сўнг рус командири у зотни ёқтириб қолиб, озиқ-овқат бериб, Қошғар чегарасидан ўтказиб юборган экан.

Ҳомидхон махдум Аллоҳнинг раҳматидан, сўнгра Қуръони Каримнинг шарофатидан мазкур фитнадан омонда қолган эканлар. Олим зот Қошғарда мухожирликда юрган кезларида ҳам кўплаб толиби илмларга сабоқ бериб, илм-маърифат тарқатган эканлар.

Шу тариқа, устоз 25 йил Қошғарда яшаб, 1956 йили она юрти Наманганга қайтиб келади. Умрининг охиригича бўлажак ҳофизи Қуръонларга таълим бериб, мударрислик фаолиятини давом эттиради. Диёримиздаги кўплаб машҳур қорилар Ҳомидхон махдум қори домлада таълим олиб, динимиз ва юртимизнинг ривожига ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келишган. Шулардан баъзиларини келтириб ўтмоқчимиз.

Абдулҳаким қори, Муҳсинжон қори, Ҳамидхон қори (Тўхтабоев), Маҳмудхон қори (Ражойи таҳаллусли билан ижод қилган), Аҳмаджон қори, Ибоди маҳдум, Турдиали қори, Акрамжон қори (Боқиев), Дадахон қори, Мўминжон қори, Ҳабибуллоҳ қори ва бошқалар.

Ҳомидхон маҳдум 1992 йил вафот этдилар. У зотни шаҳарнинг катта қабристонини «Мангулик» мазорига дафн қилинди.

Ҳомидхон маҳдум оиласи ва фарзандлари тўғрисида сўз юритсак, у зот икки аёлга уйланган. Улардан 3 та фарзанд кўрган. Аввалги аёли Файзихон ойим Абдужаббор охунд қизлари бўлиб, ундан 1 та ўғил фарзандлари бор.

Кейинги аёли Ҳумайроҳон ойим бўлиб, улардан 2 та фарзанди бор. Фарзандлари; Аҳмаджон (1925-2018), Нурмуҳаммад (1961), Маҳмудхон (1963)[\[1\]](#).

Акрам Шарипов, мустақил тадқиқодчи.

Чиноз тумани Олмазор қўрғони.

[\[1\]](#) Ушбу маълумотлар Ҳомидхон маҳдум авлодларининг шахсий архивидан олинди.

-

-

-